

“ЭЛЛИКҚАЛЪА ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁННОМАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси,
Элликқалъа тумани,
Беруний кўчаси, 1-уй

2025 йил 16 октябрь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани, С.Айний кўчаси, 4-уйда “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **14:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **14:55**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **15:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 550 656 дона.

“Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2025 йил 16 сентябрдаги 29-сон таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2025 йил 17-сентябрда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2025 йил 10 октябрь.

Жамият кузатув кенгаши раиси Е.Кунназаров йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Кунназаров Ерناзар Уринбаевич – жамият кузатув кенгаши раиси, “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси раиси;
2. Матмуратов Рустам Тажиматович – жамият ижроия органи раҳбари-бош директор;

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб, жамият кузатув кенгаши раиси, “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ тугатиш комиссияси раиси Кунназаров Ерназар ва йиғилиш котиби этиб жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати ходими Курбанов Бекзод сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Б.Курбановга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2025 йил 10 октябрь ҳолатига шакллантирилган “Элликқалъа пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 707 та акциядорга тегишли 550656 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 291456 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 4 та акциядор

(унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 52.93 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишда раислик қилувчи Е.Кунназаров йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖни ихтиёрий тугатиш тўғрисида.
3. “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖни тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилиш раиси Е.Кунназаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 17-сентябрдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассис – Б.Қурбанов, бош ҳисобчи – И.Юлдашев ҳамда жамият бош механиги У.Джумабаев номзодлари киритилган.

Шунингдек, кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 7 дақиқагача савол-жавоблар учун 7 дақиқагача, санок комиссияси ишига 10 дақиқагача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш таклиф этилди.

Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг санок комиссияси таклиф этилаётган таркибини ва йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 291456та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбат ташқари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Б.Қурбанов;
- 2) И.Юлдашев;
- 3) У.Джумабаев.

2. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 7 дақиқача, савол-жавоблар учун 7 дақиқача, санок комиссияси ишига 10 дақиқача вақт ажратган ҳолда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Жамият кузатув кенгаши раиси Е.Кунназаров сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли қарорига асосан “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ ва унга қарашли 3 та пахта тайёрлаш масканлари 2018 йил 29-сентябрдаги олди-сотди шартномага асосан “Бустон кластер” МЧЖга 13,6 млрд. сўмга ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30-августдаги 477-сонли қарорига асосан “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ қарашли “Гулистон” пахта тайёрлаш маскани 2022 йил 1-ноябрдаги олди-сотди шартномага асосан “Элликқалъа Олтин толаси Кластер” МЧЖга 1,5 млрд. сўмга сотилган эди.

Жамият мол-мулклари кластер корхонасига сотилганлиги сабабли 2018-2025 йиллар давомида тумандаги фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта хом-ашёси жамиятда қайта ишлаш мақсадида қабул қилинмади ҳамда товар махсулоти ишлаб чиқарилгани йўқ, яъни жамият фаолият кўрсатгани йўқ.

Бугунги кунда, “Бустон кластер” МЧЖ кластер корхонасига сотилган мол-мулклар бўйича ҳисоб-китоблар тўлиқ якунланган ҳамда “Элликқалъа Олтин толаси Кластер” МЧЖ кластер корхонаси билан 720 млн сўмлик ҳисоб китоб қилинмаган дебиторлик қарздорлик мавжуд бўлиб буни ҳам кластер корхонаси тез кунда тулаб бериш таклифи булган, бундан буён жамиятнинг асосий фаолияти билан ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, жамиятни ихтиёрий тугатиш масаласи акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокамасига киритилган.

Шунга кўра, “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21-августдаги 704-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда ихтиёрий тугатиш таклиф этилди.

Шундан сўнг ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 291456та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўндирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани, Бустон шаҳри С.Айний 4-уйда жойлашган (СТИР: 200913844) “Элликқалъа пахта тозалаш” акциядорлик жамияти ихтиёрий равишда тугатилсин.

2. Тугатилаётган “Элликқалъа пахта тозалаш”АЖ бўйича мурожаатлар тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан пайдан эътиборан икки ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани, Бустон шаҳри С.Айний 4-уйда жойлашган “Элликқалъа пахта тозалаш”АЖ уй манзилида қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича - Жамият кузатув кенгаши раиси Е.Кунназаров ўз фикрини билдирди ва тугатиш комиссияси таркибига “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖнинг амалдаги директори Матмуратов Рустам Тажиматович, бош ҳисобчи Юлдашев Икром Матчанович, юрист консулти Мухтаров Шерали Артикбаевич, акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси Қурбанов Бекзод Тўхтабаевич ва бош механик Джумабаев Улугбек Наримбаевич киритилиши таклиф этилди.

Тугатилаётган “Элликқалъа пахта тозалаш”АЖнинг тугатиш муддатигача бўлган даврга харажатлар сметаси илова мувофиқ тасдиқлашни таклиф қилди.

Тугатиш комиссияси таркибини қуйидаги таркибда тасдиқлаш таклиф этилди:

- | | |
|----------------------------------|---|
| 1) Матмуратов Рустам Тажиматович | - “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ бош директори, тугатиш комиссияси раиси; |
| 2) Юлдашев Икром Матчанович | - “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи, тугатиш комиссияси аъзоси; |
| 3) Қурбанов Бекзод Тўхтабаевич | - “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси, тугатиш комиссияси аъзоси; |
| 4) Мухтаров Шерали Артикбаевич | - “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ юрист консулти, тугатиш комиссияси аъзоси. |
| 5) Джумабаев Улугбек Наримбаевич | - “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ бош механиги, тугатиш комиссияси аъзоси. |

Тугатиш комиссиясини тўлиқ фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитларни (комиссия аъзоларининг иш хақи, хизмат хоналар, компьютер, телефон, интернет, канцтовар ва бошқалар) яратиш мақсадида тугатиш комиссиясининг харажатлар сметасини тасдиқлаш лозим бўлади. Ишлаб чиқилган харажатлар сметаси таништирилди (илова қилинмоқда).

Тугатиш комиссияси ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тухтатиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган талаб ва тартибдан келиб чиқиб ташкил этиши лозим, жумладан:

-жамиятнинг тугатиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартиб ва муддатларини ўз ичига олган режани тасдиқлаш;

-жамиятнинг тугатилиши ва жамият кредиторлари талабларини билдириш тартиби ва муддатлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериш;

-жамиятнинг активлари ва мажбуриятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказиш, шу жумладан жамият қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари реестрини тузиш;

-жамият ходимлари билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш;

-жамият акциядор (иштирокчи) бўлган ташкилотлардаги улушларини тасдиқловчи ҳужжатларни (депо ҳисоб рақамдан кўчирма, гувоҳнома) хатлов ўтказиш санаси ҳолатига олиш;

-жамиятнинг дебиторлик қарзларини ундириш;

-Давлат солиқ хизмати органи томонидан жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни (тафтиш қилишни) ўтказилишини таъминлаш;

-кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилган текшириш натижаларини, шунингдек, тузилган ижро ҳужжатлари реестрини ҳисобга олган ҳолда оралик тугатиш баланси лойиҳасини тузиш;

-савдога қўйилган санадан бошлаб икки ой мобайнида сотилмаган мол-мулкни кредиторларга баҳолаш суммасида белгиланган навбатга риоя этган ҳолда мулк этиб қабул қилишни таклиф этиш;

-Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар-нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 100-моддасида белгиланган тартибда жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулкни акциядорлар ўртасида тақсимланишини ва тугатиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга ошириши лозим бўлади.

Шундан сўнг ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 291456та овоз билан 100%;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси таркиби қуйидаги шахслардан иборат этиб тайинлансин.

1) Матмуратов Рустам - “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ
Тажиматович бош директори, тугатиш комиссияси
раиси; (КА 1257981, 02.04.2019 й.
Қорақалпоғистон Рес. Элликқалъа туман
ИИБ);

2) Юлдашев Икром - “Элликқалъа пахта тозалаш” АЖ
Матчанович молиявий масалалар бўйича
директори-бош ҳисобчи, тугатиш
комиссияси аъзоси; (AD5620668,
5

- 05.01.2024й. Қорақалпоғистон Рес. Эллиққалъа туман ИИБ);
- 3) Қурбанов Бекзод Тўхтабаевич - “Эллиққалъа пахта тозалаш” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси, тугатиш комиссияси аъзоси; (КА0689886, 11.12.2015й. Қорақалпоғистон Рес. Эллиққалъа туман ИИБ);
 - 4) Мухтаров Шерали Артикбаевич - “Эллиққалъа пахта тозалаш” АЖ юрист консульти, тугатиш комиссияси аъзоси. (КА1271323, 23.06.2019й. Қорақалпоғистон Рес. Эллиққалъа туман ИИБ);
 - 5) Джумабаев Улуғбек Наримбаевич - “Эллиққалъа пахта тозалаш” АЖ бош механиги, тугатиш комиссияси аъзоси. (AD 5775321, 16.01.2024й. Қорақалпоғистон Рес. Эллиққалъа туман ИИБ);

2. Жамият тугатиш комиссияси раиси Р.Матмуратовга ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи берилсин.

3. “Эллиққалъа пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссиясини тўлиқ фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитларни (комиссия аъзоларининг иш хақи, хизмат хоналар, компьютер, телефон, интернет, канцтовар ва бошқалар) яратиш мақсадида тугатиш комиссиясининг харажатлар сметаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. “Эллиққалъа пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тухтатиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган талаб ва тартибдан келиб чиқиб ташкил этсин, жумладан:

-жамиятнинг тугатиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартиб ва муддатларини ўз ичига олган режани тасдиқлаш;

-жамиятнинг тугатилиши ва жамият кредиторлари талабларини билдириш тартиби ва муддатлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериш;

-жамиятнинг активлари ва мажбуриятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказиш, шу жумладан жамият қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари реестрини тузиш;

-жамият ходимлари билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш;

-жамият акциядор (иштирокчи) бўлган ташкилотлардаги улушларини тасдиқловчи ҳужжатларни (депо ҳисоб рақамдан кўчирма, гувоҳнома) хатлов ўтказиш санаси ҳолатига олиш;

- жамиятнинг дебиторлик қарзларини ундириш;
 - Давлат солиқ хизмати органи томонидан жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни (тафтиш қилишни) ўтказилишини таъминлаш;
 - кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилган текшириш натижаларини, шунингдек, тузилган ижро ҳужжатлари реестрини ҳисобга олган ҳолда оралиқ тугатиш баланси лойиҳасини тузиш;
 - савдога қўйилган санадан бошлаб икки ой мобайнида сотилмаган мол-мулкни кредиторларга баҳолаш суммасида белгиланган навбатга риоя этган ҳолда мулк этиб қабул қилишни таклиф этиш;
 - Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар-нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 100-моддасида белгиланган тартибда жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулкни акциядорлар ўртасида тақсимланишини ва тугатиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминласин.
- Жамият акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси Е.Кунназаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.



Йиғилишда раислик қилувчи:

 Е.Кунназаров

Йиғилиш котиби:



Б.Қурбанов

Йиғилиш баённомаси 2025 йил 23 октябрь куни икки нусхада тузилди.